



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 1 январь,
№1 (968)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу унутилмас, шукҳли дамларда сиз, мўтабар отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ўғил-қизларимиз, жажжи болаларимизни — барча-барчангизни қутлуг қадимлар билан юртимизга кириб келатган янги йил билан чин қалбимдан табриқлаб, самимий тилақларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Байрамона дастурхон атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларни бағримга босиб, хонадонларингизга тинчлик, соғлиқ-омонлик ва хурсандчилик, тўкин-сочинлик ёр бўлишини, юртимиз янада обод бўлиб, янада чирой очиб раванқ топишини, барча-барча эзгу ниятларимиз ушалишини тилайман.

Бугунги кунда олдимизда турган буюк мақсадларимизга эришиш, тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мамлакатимиз кўяётган амалий қадамлар, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётгани барчамизга яхши маълум.

Яқини етаётган 2013 йилнинг айнаи шу йўлда Ватанимиз тараққийга, иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожланишига, эл-юртимиз ҳаёт даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани, ҳосияти ва барқали бўлганини шўқроналик билан таъкидлашимиз лозим.

Бунинг далили сифатида жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамайдан, кейинги йилларда иқтисодий-иқтисодий ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёددан ташкил этгани ва бундай кўрсаткич дунёда камдан-кам давлатларда кузатиладиган барчамизга чўқур мамнуният етказолади.

Иқтисодий-иқтисодий жалб қилинаётган кенг қўламли капитал маблағлар ва чет эл инвестицияларининг ҳажми тобора ошиб бораётгани, шунинг ҳисобидан энг замонавий технологияларга асосланган юзлаб корхоналар, транспорт коммуникациялари, минг-минглаб янги уй-жойлар, инфрақурилиш объектлари барпо этилгани шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда, мамлакатимизнинг салоҳиятини янада ошириб, келажакимиз учун мустақам пойдевор яратмоқда, десак, айнаи ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтиб бораётган 2013 йилда аҳолиимизнинг реал даромадлари 15,7 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга ўсгани, инфляция даражаси 6 фоиздан ортамагани, бозор ва дўкноримиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво мевдор ошмагани — буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганининг яққол далили ва исботи, десак, янглишмаган бўламиз.

Янги йилда ҳам айнаи шу сие-сати изчил давом эттириш асосида аҳолиимизнинг моддий аҳоли янада яхшиланиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори бу рақамлардан кам бўлмайди, деб барчангизни ишонтириб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Қадри юртдошлар! Бугун биз катта орзу-умидлар билан қутиб олаётган янги — 2014 йил ҳақида, барчамизнинг эътиборимиз марказида туриши зарур бўлган вазифалар ҳақида гапирганда, энг аввало, кўлга киритган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, бепарволик кайфиятига берилмасдан, эришган натижаларимизни танқи-

дий баҳолаб, ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, кўзлаган иқтисодий-иқтисодий қадам кўйишимиз ниятда муҳимдир.

Шу маънода, биринчи навбатда юртимизда тинчлик ва осойишталикни, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни, қўшниларимиз билан дўстона муносабатларни янада мустақамлаш, ҳар қандай боло-қазоларни оstonамизга йўлатмаслик, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачидек асраш, бунинг учун Қуролли Қўларимизнинг салоҳияти ва қудратини оширишга алоҳида аҳамият бериш — бугунги кунда нотинч замоннинг ўзи олдимизга кўяётган долзарб вазифалар қаторида сақланиши зарур.

Биз танлаган ва ўтган давр мобайнида ўзини тўлиқ оқлаган, чўқур ўйланган, жамиятимизни демократлаштириш ва ҳаётимизни эркинлаштиришга қаратилган ислохотларни чўқурлаштириш ва самарасини ошириш сие-сатимизни давом эттириш янги йилда барча дастурларимиз ва кундалик ҳаракатларимизнинг мақсадларига ай-ланиши керак.

Шу борада замонавий корхоналарни ишга тушириш ҳисобидан иқтисодий-иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатларини ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, соғлиқни сақлаш, биз учун муҳим ўрин тутадиган таълим-тарбия соҳасини янги босқичга кўтариш, кенг қўламли бунёдкорлик ишларимизни давом эттириш янги йилда ҳам энг устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Кириб келатган 2014 йилнинг юртимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинган халқимиз катта мамнуният билан қутиб олгани ва кенг қўлаб-қувватлаётгани бу қарор эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нақадар ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, болаларимизнинг соғлом ва барқамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту иқболини кўриши — ҳар бир ота-она, ҳар қайси оиланинг энг улуг ва муқаддас орузи-ишди.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яхши тушунамизки, фақатгина жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимга, ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, Ватанимизнинг тақдирини келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодимизни камол топтириш — биз кўзлаган обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий гарови ва айтиш мумкинки, ҳал қилувчи шарти бўлиб майдонга чиқмоқда.

Айнаи шу ҳақиқатни чўқур англаб, «Соғлом бола йили» деб ном олган 2014 йилда ва келгусида ҳам бу масала, бу вазифа ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз, барча-барчамизнинг доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Азиз ва қадри ватандошларим!

Янги йил кириб келишига сонлики дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу орзу-мақсадларимизнинг рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келатган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту соодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилақларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин! Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ

Болалар орзиқиб кутган байрам



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«Туркистон» саройида «Президент арчаси» тантаналари бошланди

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen Yolg'iz Emissan» Республика жамоатчилиги болалар жамағатлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди.

■ Назолат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Навқирон авлодга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш, уларни ҳеч қандай кам бўлмаган, юксак маънавиятли, соғлом тафаккурли инсон-

лар этиб камолга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар жараёнида тиббий-ижтимоий ҳолати, миллатидан қатъи назар, барча болаларга алоҳида меҳр ва эътибор

кўрсатилиб, уларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилаётгани Ўзбекистонда ислохотлар, аввало, инсон манфаатлари ва ёш авлод камолоти учун хизмат қилаётганининг ёрқин далилидир. Хусусан, Меҳрибонлик уйларида жорий этилган ижтимоий-тиббий, педагогик, ҳуқуқий кўмак болаларнинг жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, уларни ўз ҳаётини позициясига эга, мустақил, теран тафаккурли инсонлар сифатида вояга етишига хизмат қилмоқда.

2 >

МУРУВВАТ

Миллий қадрият ва анъаналар руҳида

Инсон манфаатлари устувор юртимизда ҳар бир байрам ва қутлуг сана халқимизнинг ўлмас қадриятларига ҳамоҳанг тарзда меҳр-оқибат, хайр-саховат тадбирларини амалга ошириш билан нишонланади.

■ Мухбирларимиз.

Жумладан, Янги йил байраминда ҳам энг аввал кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, кексалар, ногирон ва яққа-ёлғизлар, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олиниди, улар-

га совғалар топширилади. «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг жойлардаги ҳудудий бўлими ва бўлиналари байрам муносабати билан ташкил этиладиган хайрия тадбирларида ҳар қачонгидек фаол.

Хусусан, Навоий вилояти бўлими ҳамда туман ва шаҳар бўлиналари томонидан 1615

та кам таъминланган оилага жами 25 миллион сўмлик озиқ-овқат жамланмасидан иборат совға топширилди.

Янги йил байрамини сеҳрли кун дея тасаввур қилувчи, бу айёмни ва қол кўтарган Қорбобони интиқлик билан қутлуви болжонлар ҳам эътибордан четда қолмадилар. Вилоят бўйича 400 нафар кам таъминланган оилага ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига махсус байрам совғалари етказилди.

2 >

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мувофиқлаштирувчи кенгаш — фуқаролар йиғинларининг самарали фаолият кўрсатишига хизмат қилади

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги таклиф ва ғоялар фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг мустақам ҳуқуқий асосини яратишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

■ Толибжон НИЗОМОВ
сўхбатлашди.

Бинобарин, Концепцияда илгари сурилган устувор вазифа-

ятини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, мазкур қонун асосида ўтган 2013 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид 17 та низоом қабул қилинди, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 сентябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг мақсад ва вазифалари хусусида бўлди.

— Юртимизда кучли фуқаролик жамияти шаклланиб бораётган бир пайтда фуқаролар

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, Кенгаш масъул котиби Долли Аллаев билан сўхбатимиз мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика ва ҳудудий кенгашларнинг мақсад ва вазифалари хусусида бўлди.

— Юртимизда кучли фуқаролик жамияти шаклланиб бораётган бир пайтда фуқаролар

йиғинлари томонидан амалга оширилаётган қўлаб масъулиятли вазифаларнинг самарадорлигини янада ошириши даврининг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи тизим яратилгани айнаи мудар бўлди.

Ҳурматли Долли Ҳақимович, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ушбу кенгашлар қандай эзгу мақсадларда ташкил этилди?

3 >



2 >



■ ЎЗА сурати.



НУҚТАН НАЗАР

Маҳалладошлар даврасида



Барчага бирдек қадрли гўша ҳисобланмиш маҳаллада ҳар хил тоифа одамлар умргузаронлик қилишади.

Хусанбой ТОЖИМАТОВ, Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли, филология фанлари номзоди.

Оилалар яшаш тарзи ҳам турлича: кимдир ўзига кўч, кимдир бадавлат. Уртаҳол, кам даромадли, моашига кўз тикиб кун кечирадиганлар ҳам бор. Энг муҳими, улар ҳамиша бир тану бир жон: ахил ва ҳам-

жихат. Тўйми, маъраками, хуллас, барча ишга бир ёқодан бош чикаришади. Маҳалла кўрида елиб-югуриб, катта-кичик ишларда жон қойтишади.

Баъзи даромади ортган маҳалладошлар йиғин тадбирларида камнамо бўлишади. Уларни фақат додбали тадбирлардагина учратиш мумкин. Шунда ҳам давранинг тўрида савлат тўкиб ўтиришади. Аммо салоҳиятли маҳалла раислари улар билан муносабатда бошқача йўл тутиша-

ди. «Тадбирларимизда қатнашмайсиз, аммо фалон хайри ишимизга ҳомилик қилиш сизнинг зиммангизда», десалар бас. Қарабсизки, даромадли тадбиркорлар чикимдан кўра, тадбирларда бир-бир кўришни афзал билишиб, катта-кичик ишларда жон қойтишади.

Яна икки тоифа инсонлар ҳам борки, улар ака-укалардек. Бирни қайси кунда, кимникида, қандай тўй бўлишини олдиндан билади. Ҳатто ундаги бор маълумотлардан тўй эгаси ҳам иккиланиб қолади. Иккинчисининг «фаолияти» касалликлар билан боғлиқ. Қачон оғриди, нима сабабдан,

тузалади ёки йўқми... унда ҳамма «информация» топилади. Бир қарашда маҳалла фаолларидек кўринсалар-да, уларнинг иши «разведкадан бошқа нарса эмас.

Маҳаллада айрим ғийбатчи эрқагу оёллар борлигига нима дейсиз?! Ҳа, улар илакишган бу расво иллатдан ҳузур қилишлари кишини газоблантиради. Эзгуликдан йироқлаб кетишган бу кимсалар ҳам маҳалла қайвони ва нурунийларининг доимий эътиборида.

«Оч қорним — тинч қулоғим» қабиллада кун кечирадиганлар ҳам маҳаллада. Уларни на унда, на бунда учратиш мумкин. Жамоат тадбирларида ҳам бир чеккада ўтиридилар. Эҳтимом улар жамиятга керакли инсонлар эканликларини ўзлари ҳам билмаслар?.. Мана шундай кезларда уйбоши, кўчабошиларнинг фаолиги уларни иссиқ ўринларидан қўзғатишда асосли.

Яқинда маҳалладошларимиздан бирининг оёғи синиб, тўрт ой тўшаққа михланиб қолди. Бояқшининг оиласи қийнақда-да, андиша қилиб, ҳеч кимдан ёрдам сўрамабди. Яқиниям фуқаролар йиғини бор экан. Халатдан хабар толган маҳалла фаоллари йиғин қошидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия-

ни оёққа тургазишди. Улар ҳудудда аниқ йўналтирилган асосда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига қўмақлашиб келётганликларини амалда намойён қилишди. Йиғинга киритилган таклиф асосида мазкур оилга моддий ёрдам ажратилди, ҳомиёлар жалб этилди. Бемор шифохонада саломатлигини тиклаб, қисқа муддатда маҳаллага қайтди.

Энг фидойи, жонкуяр, бошқалар дарди билан яшайдиган, ҳар қандай тадбирларда бел боғлаб турадиган тоифадаги инсонлар йиғинлар қошидаги комиссияларда жам бўлишган. Мазкур комиссия аъзоларининг амалга ошираётган эзгу ишлари барчага ибрат бўлмоғи лозим.

Меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳилликни таъминлашда беқийс ҳисса қўшаётган фуқаролар йиғинлари Ватон тақдири — менинг тақдирим, деб яшаётганларни кўпайтиришда, аввало, ҳудудда учрайдиган салбий ҳислатли инсонларга бефарқ бўлмаслиги, оилалар билан ишлашни янада кучайтириши мақсадга мувофиқ. Зеро, оила кўзгусида маҳалладаги муҳит акс этади.

Бор бўлсин, маҳалламиз!



Янги йилда қутилаётган янгиликлар

Британияда чоп этиладиган «New Scientist» журнали 2014 йилда илм-фан ва техника соҳасида дунёда қутилаётган ўнта йирик воқелик ҳақида маълумот берди. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Самога сайр

Нихоят инсониятнинг Марс сайёрасига парвоз қилишига ёрдам берадиган иккита космик аппарат 2014 йилда илк бор синовдан ўтказилади.



Сентябрь ойда «NASA» «Orion» космик кемасини фазога учиради. Шунингдек, «SpaceX» ҳусусий компаниясида ишлаб чиқарилган «Falcon Heavy» номли ракета ҳам кўкка парвоз қилади. У Марсга 13200 килограмм юк чиқаришга қодир бўлиб, турдош техника-

лардан энг қудратлиси саналади. Албатта, унинг кучи мутахассисларни бийрўла барча зарур ашёлари билан «қизил сайёрага» етказиб боришга қодир эмас. Бироқ мазкур ракета ёрдамида юкларни экспедиция жўнатишга қадар чиқариб қўйиш мумкин.

2013 йилда коинотда Ернинг остки қисмини «ISON» кометаси учиб ўтганди. 2014 йилда инсоният унга жавобан Европа космик агентлиги (ЕКА)нинг «Rosetta» аппаратини орбитага чиқаради: қурилма Чурюмова-Герасименко кометасининг юзасига қўйилади.

Ҳозирда осмон жисми секундида 16 метр тезлик билан сузаётган бўлса, «Rosetta» секундида 800 метр тезлик билан уни қувиб етеди. 2014 йил ноябрда космик аппаратдан «Philae» модули ажралиб чиқиб, кометага қўнган илк космик қурилмага айланади. Унинг бортидаги лаборатория қўмдан намуна олиб, таҳлил қилади ҳамда натижасини Ерга жўнотади.

БИЛАСИЗМИ?

Янги йил қаерда ва қандай қутилади?

- Янги йил кечаси Шотландияда одамлар қара сочли кишининг келишини қутиб, эшикка термиллиб туришаркан. У хонадоннинг қозони ҳамиса қайнаб турсин, деган ниёзда бир парча қўйиб ташлаб кетар экан. Венгрияда одамлар янги йил кунини пулга ювинишади. Уларнинг фикрича, шундай қилинса, йил бўйи муҳтожлик ақин йўламас эмиш. Тунда дастурхон жуда чиройли безатилади. Бироқ қаноти борлиги боис дастурхонга парранда гўшти қўйилмайди. Чунки у учиб кетса, хонадон бахтини кўтариб кетади, дея ирим қилишади. Японлар эски йилнинг охири кунини ҳамма идишлардаги сувни тўкиб ташлайдилар ва булоқдан янги сув олиб келиб, қутиб ўтирадилар. Эски йил туғаб, кўнги-роқлар 108 марта бонг урғач, катта-юкичик булоқ сувига ташланади. Шу тарика

- улар эски йилдаги гуноҳларини ювишади. Сўнгра тўқин дастурхон атрофида ўтирадилар. Шунингдек, кунчиқар юрт вакиллари шу кунни эшикларини учта дарахт бағри билан безайдилар. Бунинг ўзига хос маъносини бор. Яъни, қарағай — узок умр, бамбук — садоқат, олхўри — ҳаётни севиш рамазларидир. Вьетнамда эса дўстларга янги шофтоли новдаси совға қилиш ва улар билан гулкан атрофида мириқиб сўхбатлашиш одат тусига кирган. Гвинейликлар янги йилнинг илк кунинда фил етаклаб юришади. Чунки бу давлатда филлар саломатлик ва тинчлик рамзи саналади. Хитойда байрам базми мушакболликсиз ўтмайди. Чин юртида яна бир ажойиб одат бор — янги йилнинг биринчи кунинда сўқиниш ва ўзаро жанжаллашиш қатъиян тақиқланади.



Тошкент таҳририда Муеақиллик лайдонига давол этиагини Янги йил байрамини таинаналари қордек оппоқ тилақларимиз, покиза орзуниятларимиз, болаларнинг беҳубор, шодон кайфиятига ҳалоҳангир.

НАЗМ

Қадриятлар маскани

Аҳиллик, тотувлик маҳаллада мужассам, Дўст-у ошно, қадрдонлик маҳаллада мужассам. Азалдан қадриятлар улугланган маскан бу, Қалб нурафшонлиги маҳаллада мужассам. Обод турмуш йўлида, элу юртнинг дишида, Яхшилик ва гўзаллик маҳаллада мужассам. Ҳар куча, хонадонда ҳар гузар, тўйхонада, Маслаҳат ва маърифат маҳаллада мужассам. Бир болага ҳам отаю ҳам она етти қўшини, Тарбия ва ҳуш одоб маҳаллада мужассам. Тозалик, орасталик, покизалик ва чирой, Асл ва чин инсонлик маҳаллада мужассам. Ватан ичра Ватан бу, ҳам таянч, ҳам суянч бу, Ифтихор, шараф-шонлик маҳаллада мужассам. Бунёдкорлик жаҳҳаси, кўзна тарих саҳифаси, Муқаддас бурч — побонлик маҳаллада мужассам. Соғлом бўлар болалар, улғаяр комил авлод, Абдулло навқиронлик маҳаллада мужассам. Абдулла САФОЕВ. Хоразм вилояти.

Машхурлар ҳаётидан

- Инглиз ёзувчиси Виржиния Вулф аксар китобларини тик турган ҳолда ёзган. Сара Бернар 13 ёшли Жулетта родини 70 ёшида ўйнаган. Уолт Дисней болалигида бир бойқушни қийнаб ўлдирган. Шундан сўнг у жониворларни мультфильмларда «тирилтириш»га киришган. Юлий Сезар сочлари тўкила бошлаганини яшириш учун дафна гулчамбари тақиб юрган. Телефон кашфиётчиси Александр Белл онаси ва хотинига бирон марта ҳам кўнги-роқ қилмаган. Боиси улар гунг бўлишган. Эйнштейн жон бераётганида унинг сўнги сўзлари ҳам ўзи билан бирга кетган — ёнида ўтирган аёл немисчага тушунмаган. Шекспир ва Сервантес бир кунда вафот этишган — 1616 йилнинг 23 апрелида.

МАСЛАҲАТ

Саҳарги саъй-ҳаракат самараси

Эрта туришда ҳикмат кўп. Масалан, сиз ҳар кунни эрталаб соат 7:00 да уйғонсангиз, шуни бир соат олдинга сурунг. Шунда ҳар кунни уйқуда ўтадиган умрингизнинг бир соати реал жонли ҳаётингизга қўшилади. Бир соат ичида одам кўп иш бажара олади. Масалан, 60 дақиқада 100 саҳифагача китоб ўқиш мумкин. Ҳар кун эрталаб бир соатдан мутолаа қилинса, уч кунда катта бир асарни ўқиб битирса бўлади. Барвақт туриш ҳисобига кўлга киритилган дақиқалар ҳисоб-китоб қилинганда эса, ойда 30, бир йилда 360 соат «захира» вақт пайдо бўлади. Бу дегани, оқд 15 кунни тежоб қоласиз. Агар бу муддатдан самарали фойдалансангиз борми... Йилига 15 кунни уйқу билан барбод қилган яхшими ёки унумлироқ бирор машғулот билан бонд бўлиб, умрингизни яна ярим ойма узайтиргангизиз маъқулми? Албатта, ақли киши «бойқушни «тўрғайга айлантиради.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими фонднинг Жиззах шаҳар бўлини раиси Собиржон ОРИПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Янгийўл тумани бўлини «Нуробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Машкура ЭРАЛИЕВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

«Homo Erectus»ни клонлаштириш мумкинми?

Сақланиб қолган ДНК намуналари асосида динозаврларни клонлаштириш фақатгина бадий фильмларда кузатишган.

Бироқ олимлар, гарчи динозаврлар каби қадимий бўлмаса-да, ўтмишдаги мавжудотлар генларини ўрганиш соҳасида улкан аҳамиятга эришган. 2014 йилда инсониятнинг қадими аждоди, бундан 1 миллион йил илгари яшаган «Homo Erectus»нинг гени йиғилиши мумкин. Яқин-яқинларча гоминидларнинг генла-

рини сақлаш осон эмасди. Боиси ДНК фақат салқин иқлимдагина сақланади. Қадимги аждодларимиз эса тропик шароитда умргузаронлик қилишган. Бироқ яқинда Испанияда топишган гор одамнинг ўрғанилган митохондриаль геноми ДНК иссиқ бўлса-да, қулай шароитда ҳам сақланиб қолиши мумкинлигини исботлади.

Экзоскелетнинг илк зарбаси

Агар барча ишлар рисоладагидек юришиб турса, 2014 йилда Бразилияда ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида биринчи зарбани бирор бир мамлакатнинг терма жамоаси аъзоси эмас, балки белидан пастки қисми фалаж бўлиб қолган ўсимир фикрлаш ёрдамида бошқариладиган экзоскелет кўмагида амалга оширади.

Бу, шубҳасиз, «Walk Again» халқаро дастурининг замонавий технологиялардан фойдаланиб, фалажга қарши курашда кўлга киритган муваффақияти намойиши бўлади. Бир гуруҳ мутахассис-

лар томонидан ишлаб чиқилган экзоскелет бошда ёҳуд бевосита мианинг ўзига жойлаштирилган электродлар ҳисобига мианинг электр сигналлари ёрдамида бошқарилади.

Қулаётган интернет ёҳуд бошдаги компьютер

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2014 йилдан бошлаб интернет фаолияти орқага кета бошлайди.



Келгуси икки йилда америкалик интернет-гигантлар ва технология компаниялари 35 миллиард доллар йўқотишлари мумкин. Бироқ бунинг ижобий томони ҳам бор: фойдаланувчилар тармоқдаги фаолиятларига

диққат билан муносабатда бўладилар. Бундан ташқари, бутунжаҳон тармоғи бўлино бошлаши мумкин. Қатор мамлакатлар, шу жумладан, Бразилия ва Германия тармоқ негизда миллий йўналишини яратиш устида бош қотирмоқда.

2014 йилда компьютерни бошимизда кўтариб юришимиз мумкин: қўллаб маротаба реклама қилинаётган «Google Glass» кўзойнақлари савдога чиқади.

«Ақилли» кўзойнақнинг дастлабки модификациясидан фойдаланиш бўйича аллақачон синовлар ўтказилди. У жарроҳлар, талабалар, қандли диабетга чалинган беморларда қўллаб кўрилди. Танқидчилар қурилма шахсий ҳаётга нуқта қўйишдан, унинг дисплейи мулоқотларга заҳа етказишдан хавотирдалар. Шунга қарамай, унинг яратилиши дунёқарошимизни ўзгартириб юбориши аниқ.

«Hyundai»нинг водород машиналари

1937 йилда «Hindenburg» дирижаблида юз берган ёнғин водороддан ёнили сифатида фойдаланишга нуқта қўйганди.

Бироқ энг енгил кимёвий элемент яна ҳаётимизга қайтмоқда. «Hyundai» компанияси водород ёрдамида ҳаракатланадиган «Tuscon Fuel Cell» русумли автомобилларни ишлаб чиқаради. Бундай машиналарнинг ёнили элементни ҳовдон олинган кислород бақидида водород билан қўшилади ва реакцияга киришиб, элект-

родвигатель учун ток ҳосил қилиб беради. Токка тўйиниши учун бир неча соат вақтни талаб қиладиган электр автомобилларидан фарқли равишда янги машиналарнинг ёнили билан тўлдирилишига бир жуфт дақиқа кифоя. Сигимнинг бир марталик тўлдирилиши эса 480 километр масофа йўл босишга етади.



МУРУВВАТ

Миллий қадрият ва анъаналар руҳида



Ушбу сурат.

— Тақсимот режага кўра, 60 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага байрам совғалари улашди, — дейди фонднинг Учкудук тумани бўлини раиси Икром Раҳимов. — 6 нафар чин етим бола эса «Президент орчасининг совғасидан баҳраманд бўлди. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги томонидан ҳам алоҳида байрам совғалари тайёрланди. Андижонликлар ҳам байрамни ажиб бир шодмонлик билан қарши олишди. Ана шундай шароитда «Маҳалла» хайрия

жамоат фонди Балиқчи тумани бўлини ҳам бир қатор хайрия тadbирларини амалга оширди. Зеро, бўлини фаолиятида ҳар бир айём олдидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронторти заҳматқашлари, кам таъминланган оилалар вакиллари ҳамда ногирон инсонларга совға-саломлар улашиш анъанага айланган. Туман ҳокимлиги, «Нуроний» жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўли вакиллари билан иборат гуруҳ ҳудуддаги 64 та маҳаллада бўлиб, меҳрга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олишди. 56 на-

фар кам таъминланган ҳамда уруш фахрийларига қарийб 17 миллион сўмликдан зиёд совғалар тақдим этилди. — Юртимизда ҳеч бир киши меҳр-этибордан четда қолмайди, — дейди Балиқчи қишлоғидаги «Уртақўғон» маҳалла фуқаролари йигини раиси Икром Раҳимов. — Халқимизга хос бўлган бундай инсонпарварлик тadbирларида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳиссаси катта, албатта. Буни бўлини томонидан амалга оширилган маъзур эзгу ҳаракатнинг тобора кенг ёзаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, кам

таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун бўлини маблағлари ҳисобидан 1,5 миллион сўмликдан зиёд совға-саломлар ҳозирланди. Бундан ташқари, ҳомий фермер ва тadbиркорлар томонидан тайёрланган байрам тўғралари ҳам ўғил-қизларга чексиз қувонч бағишлаши шубҳасиз. Шунингдек, Янги йил шодиёнасида Фонднинг Тошкент вилояти бўлини бошқаруви мурувват ёрдамлари кўрсатиш бўлини ишлаб чиқилган аниқ чора-tadbирлар режаси асосида хайрия тadbирларини ўтказмоқда. Унга кўра, фуқаролар йигинлари ходимлари, фаоллар билан биргаликда ҳудуддаги кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар, фахрийлар ҳолидан хабар олинаётди. Бу эса аҳолининг маҳаллага бўлган ишончини янада оширмоқда. Жумладан, аяни пайтақадар Фонд вилоят бўлимининг молиявий кўмаги билан 1100 та кам таъминланган оила, 476 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига байрам совғалари тарқатилди. Ушбу мақсадларга 260 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, Фонднинг туман ва шаҳар бўлиналари ташаббуси билан ҳам ана шундай мурувват кўрсатиляпти. Бу юртимизда ижтимоий муҳофазатга қаратилган қаралатди. Юртимиздаги ҳар бир ман-

зил, ҳар бир хонадонда бўлгани каби, Сурхондарё вилояти аҳолида ҳам байрамона кайфият, шодхуррамлик ҳукмрон. Каттаю кичик бир-бирини қўлаб, эзгу тилаклар изҳор этмоқда. Айниқса, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг бўлини ва бўлиналари томонидан байрам арафасида уюштирилган хайрия тadbирлари ўқсик дилларга олам-олам қувонч улашди. Фонднинг Денов туманидаги 55 та хонадон ҳамда 20 та кам таъминланган оила ва яна шунча нафар ногирон бўлимининг байрам тўғраларидан баҳраманд бўлишди. Уйда ётиб қолган кексалар, узоқ йиллар халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилган фахрийлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, боқувчисини йўқотган бевабечоралар ҳамда маҳалларда истиқомат қилувчи 90-100 ёшли қаршилаганларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмади. Қизирқанда ана шундай оила вакиллари 18 нафар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Фонднинг Термиз тумани бўлини томонидан маҳаллардаги ижтимоий кўмакка муҳтож 12 та хонадонга озиқ-овқат маҳсулотлари, 4 та оила вакиллари эса кийим-кечаклар тарқатилди. Байрам муносабати билан жойларда ташкил этилаётган бу каби хайрия акциялари давом этмоқда.

Янги йил байрами

Болалар орзиқиб кутган байрам

«Туркистон» саройида «Президент арчаси» тантаналари бошланди

« 1

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида оила, васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги миллий қонунийлик янада такомиллаштириш, Меҳрибонлик уйларида тарбияланётган болаларни соғломлаштириш, уларни касб-хунари билан тўлиқ қамраб олишга доир ишлар қўлаги кучайтириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Инклюзив таълим янада ривожлантирилиб, ўқитишнинг ушбу тури билан қўлаб мактаблар қамраб олинди. Аяни пайтақ тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда юрак, таянч-ҳаракат аъзолари, лаб-танглай қисмида хасталиги бўлган болаларни жаррҳлик йўли билан даволлаш, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини чўқурлаштирилган тиббий кўридан ўтказиш, уларга зарур таълим, тиббий маслаҳат, даволаш муолажаларини кўрсатишга оид бир қатор ижтимоий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Янги йил, Ватан, бахтли болалик, киш, байрам шодиёналарига бағишланган шеърлар айтиб, қувноқ куй-қўшиқлар, рақсларга жўр бўлади. Эстрада ва цирк санъати усталари иштирокидаги концерт дастури болаларнинг қувончига қувонч қўшади. — «Президент арчаси» тантаналари барча болалар орзиқиб кутадиган энг семимли байрам, — дейди Чилонзор туманидаги 22-Меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари Хурсаной Холова. — Меҳрибонлик уйимизда болаларнинг ҳар жихатдан соғлом бўлиб воға етиши учун барча зарур шароит яратилган. Булар Президентимиз томонидан ёш авлод истиқболни йўлида кўрсатилаётган улкан меҳр ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. — Байрамда маъза қилиб ўйнади, қўшиқлар айтди, — дейди Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 24-Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси Сардор Зайниддинов. — Этраклар қаҳрамонлари билан расмага тушди, Қорбодан совғалар олди. Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги биз учун энг қадри қимбат. Жўшқин мусика садолари остида болалар залга тақлиф этилди, тиббий маслаҳат, даволаш муолажаларини кўрсатишга оид бир қатор ижтимоий лойиҳалар тараннум этувчи «Меҳри дунё» театрлаштирилган томоша ҳавола қилинди. Болаларга Президентимизнинг Янги йил совғалари топширилди. Бундай тadbирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

2014 йил — соғлом бола йили

Фарзанд саломатлиги онага эътибордан

Маҳалламиз шаҳарнинг марказий ҳудудда жойлашган бўлиб, номига яраша боғу бўстонга айланган, гулу гулзорга бой маскан. Бугунги кунда 840 та хонадон, 1640 та оилада 7000 дан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг 2225 нафарини воға етмаган ёшлар, 4000 нафардан зиёдини эса аёллар ташкил этади. Маҳалламизда аҳоли, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, турли касалликларнинг олдини олиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Аяниқса, ёш авлоднинг соғлом туғилиши, она ва бола саломатлиги борасида эътиборга малик ишлар олиб боришмоқда. Бунга хотин-қизлар, болаларнинг йилда икки марта табибий кўридан ўтаётгани, мазкур жараёнга маънавий муоассасаларнинг жалб этилаётгани фикримизнинг далилидир. Шунингдек, маҳалламиз яқиндаги 10-ҳамда 12-оилавий поликлиникалар билан ҳам муштаҳкам ҳамкорлик ўрнатганимиз. Уларнинг ходимлари тиббий кўриқлар довомида аниқланган беморларга тегишли муолажалар ўтказиб, зарур ҳолларда даволаниш муоассасаларига йўлланмалар бериш билангина чекланиб қолмай, тиббий маданиятни тарғиб этиш, профилактика ишларида ҳам бизга яқин кўмакчи.

Бундан ташқари, маҳаллага бириктирилган шифокор ва патронаж ҳамширалари билан биргаликда туғиш ёшидаги аёллар ҳолати ҳомилдорлик вақтидан бошлаб, токи бола соғлом туғилгунча бўлган даврда қатъий назорат қилиб борилади. Чақалоқ дунёга келгач, уни ўз вақтида эмлаш ишлари йўлга қўйлади. Шунингдек, аҳоли ўртасида турли касалликларнинг олдини олиш, санитария-гиена қоидаларига риоя қилиш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни шакллантиришга оид турли давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этмоқдамиз. Бунда, айниқса, ёш оналарни кенг қамраб олишга, уларга фарзанд саломатлиги ва тарбиясида эътибор берилиши лозим

Жамоатчилик назорати

Бозорлар тўкинлиги ризқнинг улўғлигидан



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги азалдан бозорлар манзарасида акс этган. Байрам арафасида пойтахт бозорларига ташриф бурган киши тўкин-сочинлик, нарх-навоининг барқарорлигидан мамнун бўлади.

Ю.ҲОҶИЕВА «Mahalla»

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида пойтахт бозорларида жамоатчилик назоратининг ўрнатилгани байрам арафасида айрим нохушликлар келиб чиқши, нарх-навоининг ососсиз ошириб юборилишининг олдини олмақда. — Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 12 декабрдаги «Янги йил байрами арафасида ва байрам кунлари ҳамда 2014 йилнинг январь-май ойларида Тош-

кент шаҳар деҳқон бозорларини ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан қафоллатли тўлдириб боришда амалга оширилиши зарур бўлган чора-tadbирлар тўғрисида»ги баёни бу борада муҳим дастури амал бўлаётди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Юнусобод тумани бўлини раиси ўринбосари Шерзод Зокиров. — Туманимиздаги иккита йирик бозор — «Олой» ҳамда «Универсам» деҳқон бозори «Турон» ҳамда «Боғишамол» маҳалласида жойлашган. Ҳамкор ташкилотлар билан бамаслаҳат

ишлаб чиқилган режага асосан, бозорларда навбатчилик ташкил этилди. 58 та маҳалла фуқаролари йигини фаолларидан тузилган ишчи гуруҳи аъзолари ҳар икки соатда навбат алмашиб, нарх-наво мўтадиллиги, маҳсулотлар сифати ва узлуксиз таъминоти, ҳудуд осойишталиги юзасидан назорат ўрнатилган. Бундай ҳолатни шаҳардаги бошқа деҳқон бозорларида ҳам қўзғатиш мумкин. Бу эса пойтахтликлар ва шаҳар меҳмонларини янги йилни муносиб қутиб олишда қўлаб қўлайликлар тўғрисида эътибор қилишга имконият яратди. Ийгинлар фаолларидан иборат ишчи гуруҳларига жамоатчилик назоратининг тўлақонли ўрнатилишида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди амалий ёрдам кўрсатаётди.

Давра суҳбати

Соғлом авлод — соғлом келажак гарови

Юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофазалаш, соғлом оилани шакллантириш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»

Аяниқса, «Соғлом она — соғлом бола» ижтимоий ҳаракатининг амалиётга жорий этилиши, Мингйиллик ривожланиш дастурларида қўзғалган аниқ мақсадлар тўғрисида бу борадаги сўй-ҳаракатлар янада жадаллашган. Пойтахтимиздаги Республика иктисослаштирилган акушерлик ва гинекология илимий-амалий марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган «Болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги — соғлом авлод гарови» мавзусидаги давра суҳбатда ана шулар ҳусусида батафсил сўз юритилди. Тadbирда Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф.Рожа-

бов соғлом авлодни тарбиялаш ва репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган амалий ишларга тўхталиб, мазкур йўналишда фаолият юритаётган маҳаллий ва халқаро ташкилотлар, тегишли вазирликлар, давлат идоралари, таълим муоассасалари ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилганига эътибор қаратди. Давра суҳбати иштирокида юртимизда оналик ва болаликни муҳофиза қилиш, болалар ва ўсмирлар, айниқса, балоғат ёшидаги қизларнинг репродуктив саломатлиги, қонун ҳужжатлари, ҳамкорлик қўмитаси ташаббуси билан қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган «Болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги — соғлом авлод гарови» мавзусидаги давра суҳбатда ана шулар ҳусусида батафсил сўз юритилди. Тadbирда Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф.Рожа-

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

Тарбиянинг таъсирчан уч муҳим бўғини

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Аҳиллик» маҳалла фуқаролар йигини ташаббуси билан ҳудуддаги 211-умумтаълим мактабида «Маҳалла обод — юртим обод» мавзусида маърифий тadbир ташкил этилди.

Дилора ҚАРШИБОВЕВА «Mahalla»

— Бола тарбиясида маҳалла ва таълим муоассасалари ҳамкорлигининг аҳамияти катта, — дейди мазкур мактаб ўқитувчиси Ҳилола Қундузова. — Айниқса, қизларни тарбиялаш, ўқувчиларни ўзларига яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга ўргатиш, уларда ватанпарварлик тўғрисида шакллантиришда маҳалла фа-

олларининг тажрибасига таянади. Мазкур тadbир ана шундай мақсадларга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Ўқувчилар Ватанни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар, мактаб ҳамда маҳалла ҳаётига оид саҳна кўри-нишларини намойиш этишди. Юртимизнинг гўзал манзараларини турфа ранглорда тасвирлашди. — Соғлом фарзандларни тарбиялашда, уларни қимил инсон бўлиб воға етишида «Оила — ма-



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ҳалла — таълим муоассасаси» ҳамкорлик механизмининг ўрни беқиёс, — дейди йигиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Милоҳат Юсупова. — Бугунги кунда маҳаллага берилаётган вақолатлар кенгайтириш билан бирга, маъсулият ҳам ортиб бормоқда. Давлатимизда ёшлар камолотига катта эътибор қаратилган бир пайтда йигинимизда тарбиянинг уч муҳим бўғини ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш олдимиздаги устувор вазифалардан. Ўқувчиларнинг ҳар бир қишқари, улар қўзида парлоб турган ишонч ва ғайрат иштирокида илқ таассирот қолдириди. Эртанимизда болалар тафаккури билан Ватанга муносиб фарзанд бўлиб улаётганини амалда кўрсатишди. Бу эса ҳудудларда ташкил этилган уч томонлама ҳамкорлигининг яхши самара бериётганидан далолатдир.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мувофиқлаштирувчи кенгаш — фуқаролар йиғинларининг самарали фаолият кўрсатишига хизмат қилади



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

« 1

— Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 20-моддасида: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар ташкил этилади»...

Мазкур ҳуқуқий меъёрга мувофиқ ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга муҳаббат, миллий иштирокига ҳаққон ҳақиқатда тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг самардорлигини янада оширишга кўмаклашиш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

Кенгаш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларининг амалга оширилишига кўмаклашиш, йиғинлар фаолиятини муаммоларни ўрганиш ва тизимли ҳал қилиш бўйича тақлифлар ҳамда таъсирчан механизмлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган ҳамда ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борувчи коллегия орган ҳисобланади.

У фаолият доминида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда ўзининг Низоми ва бошқа қонун ҳужжат-

ларига амал қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 декабрдаги 329-сонли қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳамда туманлар ва шаҳарлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар ташкил этилди.

Худудий кенгашларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари, улар фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда ўзаро ҳамкорлиги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳарлар кенгаши ташкил этилди.

— Кенгашнинг вазифалари нимага қаратади?

— Кенгаш аҳолининг ижтимоий фаолигини оширишда маҳалла институтининг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашди.

Кенгаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши мониторингини олиб боради ҳамда улар ҳузурдаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир тақлифлар тайёрлайди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар орасидан сайланишини таъминлаш чора-тадбирларининг амалга оширилишига кўмаклашиш ҳамда услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам кенгаш аъзолари зиммасига юклатилган.

Шунингдек, Кенгаш фуқаролар йиғини раиси, масъул котиби, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилма-

си раҳбари фаолиятини рағбатлантириш ҳамда фуқаролар йиғинлари билан давлат органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш, бор-камол авлодни тарбиялашда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизминини кучайтиришга доир тақлифлар тайёрлаш каби қатор долзарб вазифаларни амалга оширади.

— Шу ўринда унинг ҳуқуқлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Кенгаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш ва улар ижросини назорат қилиш, фуқаролар йиғинларининг раислари, масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг раҳбарлари малакасини ошириш юзасидан тақлифлар киритиш, давлат органлари, нодавлат но-тижорат ва бошқа ташкилотларда, мансабдор шахслардан кенгаш ваколатига тааллуқли зарур маълумот ва материалларни сўраш ва олиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари, нодавлат но-тижорат ва бошқа ташкилотларнинг ахборотларини эшитиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсияларни тайёрлаш учун ишчи комиссиялар ва эксперт гуруҳлар ташкил этиш, шунингдек, олимлар ва амалиётчи-мутахассисларни ушбу комиссиялар ва гуруҳлар ишига жалб этиш, соҳага доир услубий қўлланмаларни тасдиқлаш, маҳалла фаоллари учун ўқув-семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

— Кенгаш таркиби қай тартибда тузилади?

— Кенгаш таркиби раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ва аъзолардан иборат бўлади. Республика

публика Кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари раислик қилади. Раис Кенгаш мажлисларида ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш, бор-камол авлодни тарбиялашда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизминини кучайтиришга доир тақлифлар тайёрлаш каби қатор долзарб вазифаларни амалга оширади.

— Кенгашнинг вазифалари нимага қаратади?

— Кенгаш аҳолининг ижтимоий фаолигини оширишда маҳалла институтининг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашди.

— Кенгашнинг вазифалари нимага қаратади?

— Кенгаш аҳолининг ижтимоий фаолигини оширишда маҳалла институтининг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашди.

— Кенгашнинг вазифалари нимага қаратади?

— Кенгаш аҳолининг ижтимоий фаолигини оширишда маҳалла институтининг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашди.

— Кенгашнинг вазифалари нимага қаратади?

— Кенгаш аҳолининг ижтимоий фаолигини оширишда маҳалла институтининг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашди.

ўтказиладиган сана эълон қилинади. Бунда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

— Кенгаш бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бораётган экан, бу борада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг ўрни қандай?

— Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади. У Кенгаш мажлисларига тайёргарлик ҳамда ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш ишларини амалга ошириш, Кенгаш фаолияти учун зарур борча ҳужжатларни шакллантириш, қарорлар лойиҳалари бўйича келишувлар ташкил этиш, фаолият йўналишларига тааллуқли материалларни тўплаш, таҳлил қилиш, қарорлар ва чора-тадбирлар режалари лойиҳаларини тайёрлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, мувофиқлаштириш натижалари бўйича ҳисобот ва ахборот материалларини тайёрлаш, Худудий кенгашлар ишчи органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш каби ишларни бажаради.

Кенгаш Худудий кенгашлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади ҳамда улар фаолиятини ташкилий ҳамда услубий жиҳатдан раҳбарлик қилади. Худудий кенгашлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатларида белги-ланган ваколатларининг амалга оширилишига кўмаклашиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва мониторинг қилиш Кенгаш томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Худудий кенгашлари йилнинг ҳар чорасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида Кенгашга ҳисобот беради.

Хуллас, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика ҳамда Худудий кенгашларнинг ташкил этилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлашда, уларга қонун ҳужжатларида белги-ланган ваколатларининг бажарилишига кўмаклашишда, умуман, фуқаролар ижтимоий фаолигини оқсатиришда маҳалла институтининг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади.

— Суҳбатингиз учун тошаққур.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳамда туманлар ва шаҳарлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар тўғрисидаги Намунавий низомлар билан газетамизнинг 4-ва 5-саҳифаларида танишасиз.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

Очиқ ва ошқора фаолият таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказишга доир ҳуқуқий тажрибани амалга ошириш бўйича Ишчи комиссиясининг якуний мажлиси бўлиб ўтди.

Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»

Унда Қонунчилик палатасида Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан сайланган депутатлар, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликларнинг масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари иштирок этидилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақидаги Фармойишга мувофиқ Самарқанд ва Бухоро вилоятларида 2013 йил мобайнида ўтказилган ҳуқуқий эксперимент ҳам мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги амалиётига истиқболли усулни жорий қилиш учун янги имкониятлар очиб берди. Хусусан, ҳуқуқий эксперимент натижасида давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги, ундан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси нормалари самарадорлиги аниқланди.

Шунингдек, лойиҳани такомиллаштириш, уни самарали қўллаш механизмларини яратиш, ҳуқуқий эксперимент усулларини қонун ижодкорлиги жа-риёга жорий қилиш бўйича тақлифлар тайёрланди. Бундан ташқари, аҳоли манфаатларига бевосита дахлдор бўлган масалалар юзасидан қабул қилинаётган қарорлар моҳияти ва мазмунини матбуот ин-тервьюлар орқали тушунтириш борасида давлат органлари раҳбарларининг фаол иштирок этиш ташкилий-ҳуқуқий механизми ва усулларини ишлаб чиқишга эришилди.

Мажлисида таъкидланганидек, ҳуқуқий эксперимент ахборот соҳасида ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида салмоқли натижалар берди. Масалан, Самарқанд вилояти ҳокимлигига ҳуқуқий эксперимент мобайнида фуқаролардан, ННТ, ОАВдан 274 та сўров, Бухоро вилояти ҳокимлигига эса 183 та сўров келиб тушди. Самарқанд вилояти шаҳар ва туманлари ҳокимликларига жами 368 та, Бухоро вилояти шаҳар ва туманлари ҳокимликларига 316 та, Самар-

қанд вилояти ташкилот ва корхоналарига 2194 та, Бухоро вилояти ташкилот ва корхоналарига 1014 та сўров келиб тушди. Сўровлар Самарқанд вилояти бўйича жами 2836 тани, Бухоро вилояти бўйича эса 1513 тани ташкил этди. Уларнинг 91 фоизига тегишли жавоблар қайтаририлган бўлса, қолганлари кўриб чиқилмоқда.

Эътиборлиси шундаки, ННТ вакиллари ҳамда фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ коллегиял мажлисларидаги бевосита иштироки уларнинг фаолиятини тўғрисида ахборот олиши имкониятини яратди. Ана шундаги тадбирларда Самарқанд вилоятида ННТ ва ОАВнинг 129 та вакили ва 9 нафар фуқаро, Бухоро вилоятида — ННТ ва ОАВнинг 42 та вакили ва 46 нафар фуқаро иштирок этди. Жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиётгани кутилган натижани бермоқда. Мисол учун, Самарқанд вилояти босма ОАВда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан 224 та, Бухоро вилоятида 146 та таҳлилий мақола эълон қилинган. Телерадиоканаллар ва Интернет орқали Самарқанд вилоятида 376 та, Бухоро вилоятида эса 339 та материал узатирилган.

Самарқанд вилоятида ҳуқуқий экспериментнинг 91 та субъектидан 58 таси Интернет тармоғида ўзининг расмий веб-сайтига эга, 26 таси юқори тур-рувчи ташкилотларнинг веб-сайтлари таркибидан ўз саҳифасини очган. Бухоро вилоятида ҳуқуқий экспериментнинг 89 та субъектидан 47 таси ўзининг расмий веб-сайти фаолиятини самарали амалга ошириб келмоқда.

Ийгилиш иштирокчиларига ҳуқуқий эксперимент мавзуси бўйича ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар тўғрисидаги таҳлилий материаллар тақдим этилди. Шунингдек, муҳокама аяқлари бўйича Ишчи комиссия ҳуқуқий эксперимент доирасида олинган натижаларни умумлаштириб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган қарорлар қабул қилди.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

беш кун мuddат ичида гувоҳнома фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан аяқин муносабатларини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, барча раисларга ягона шаклда бериладиган гувоҳномалар фуқаролар йиғинлари фа-

ҚАРОР ВА ИЖРО

Раис гувоҳномаси ягона ва янги шаклда

Бугунги кунда фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган раислар ташаббускорлиги, қатъият ва талабчанлиги, масъулиятини ўз зиммасига олиб, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган инсонлар сифатида аввалги маҳалла бошлиқларидан анча фарқ қилади. Айниқса, яқинда ўтган сайловлар маҳаллаларга ана шундай фази-латларга эга фуқароларни сайлаш имконини берди.

Баҳодир ЮНУСОВ, «Маҳалла зияси» РҲҲМ директори.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари суртилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро аяқин муносабатларини таъминлаш дол-зарб аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган.

Ушбу қимматли фикр ва гоялар асосида янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун фуқаролар йиғинларини ҳар томонлама рағбат-топишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қонуннинг 14-моддасида: «Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқол) белгиланган намунадаги гувоҳномага эга бўлади. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) гувоҳномаси намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади», дея қайд этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллашти-

риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига илова тарида тасдиқланган фуқаролар йиғини раисининг гувоҳномаси тўғрисидаги Низом асосида эндиликда барча фуқаролар йиғини раислари ягона шаклда шахси ва лавозимини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўладилар.

Илгари маҳаллий давлат ҳокимияти зиммасидаги жуда кўплаб вазифалар бугунги кунда фуқаролар йиғинлари томонидан самарали амалга оширилмоқда. Шу боис фуқаролар йиғинлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро аяқин муносабатларини йўлга қўйиш мақсадида раис турли ташкилотларга мурожаат қилганда унга шахсини тасдиқловчи ушбу ҳужжат асосланади.

Гувоҳнома фуқаролар йиғини раисига Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман (шаҳар) комиссияси томонидан берилади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Авваллари Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг

маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман (шаҳар) комиссиялари сайлов мuddатига тузилар, жараён аяқланиши билан улар ҳам ўз фаолиятини тугатар эдилар. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга қўра, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлов эълон қилинганга қадар ўз фаолиятларини давом эттирадилар.

Ҳар ким ўзи хоҳлаган жойда гувоҳномани чоп этиши мумкин эмас. Гувоҳнома мўқоваси ва бланкларда кўмаклашувчи комиссия ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг бюрутмоси асосида муайян корхонада тайёрланади.

Сайловларда аҳоли ишончини қозонган фуқаролар йиғини раиси, жараён ўтказилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай кўмаклашувчи комиссияга ишчи гуруҳ раиси томонидан имзолан-

ган ва фуқаролар йиғини муҳри билан тасдиқланган фуқаролар йиғини баённомаси ва қарори, йиғин раиси паспортининг нусхаси ҳамда 3х4 ўлчамли 2 дона рангли фото-сурат тақдим этади. Шу асосда унга гувоҳнома махсус бюрутмо асосида тайёрланади ва сайловдан кейин бир ой мuddат ичида эгасига топширилади. Гувоҳнома кўмаклашувчи комиссиянинг раиси томонидан имзоланади ва фуқаролар йиғини муҳри билан тасдиқланади. Тайёрланган гувоҳнома шаффоф плёнка билан қопланади.

Гувоҳнома, Низомга мувофиқ, кўмаклашувчи комиссиялар томонидан юритилмаган Фуқаролар йиғини раиси гувоҳномаларини бериш ва қайтаришни ҳисобга олиш дофтаридида қайд этиб борилади. Навбатдаги сайловлар эълон қилинган, ҳисобга олиш дофтери янги тузилган кўмаклашувчи комиссияга топширилади.

Фуқаролар йиғини раисининг ваколатлари мuddатидан илгари тугатилганда фуқаролар йиғини томонидан бу ҳақда кўмаклашувчи комиссияга хабар берилади ва



ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН

Катта ҳажмдаги ишлар улкан мақсадларга ҳамоҳанг



Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузада «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар таҳлилига эътибор қаратиб, ушбу даврда жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган маҳаллани обод қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга қаратилган ислохотлар юзасида самаралар бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Ботир ОЛИМОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
бухоро вилояти Шофиркон
тумани бўлинмаси раиси.

Дарҳақиқат, ҳалқимизнинг бир неча минг йиллик тарихи давомида жамият

бошқарувининг ўзига хос бўғини сифатида шаклланган маҳалла институти истиқлол йилларида ўзининг ҳуқуқий асоси, қонуний ваколатларига эга бўлди. Мазкур ҳуқуқ ва ваколатларга таянган маҳалла бугунги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда

қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланди. Бу эса фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш учун шароит яратмоқда. Жойларда маҳалла аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, маънавий муҳитни шаклланд

тириш, янги иш ўринлари яратиш, ёшлар ва аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш борасида муҳим ташкилотчилик ва ижрочилик ишларини олиб бормоқда.

Ойлар мустаҳкамлиги, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, обод турмуш муҳитини қарор топтириш маҳалланинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида туманимиз маҳаллаларида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Доригар», «Боботом» фуқаролар йиғинларининг 18 тасига Фонд ҳисобидан компьютер жамланмалари тарқатилди. Аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва яхшилаш мақсадида шу йилнинг ўзидеяк 20 га яқин турли шохобчалардан иборат мажмуалар барпо этилди.

6 та спорт майдони, «Калон» маҳалласида эса барча қулайликларга эга стадион фойдаланишга топширилди. 20 километрга яқин ички йўллар таъмирланди. Бу саъй-ҳаракатлар

давлатимиз раҳбарининг маърузаларида таъкидланган «... маҳаллалар ҳудудда янги гузартириш борасида муҳим ташкилотчилик ва ижрочилик ишларини олиб бормоқда» қўрсатиш шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, ички йўллар ва йўлакларни таъмирлаш, кўп қаватли уйлarning атрофини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишларнинг туманимиз мисолидаги кўринишидир.

Дарвоқе, Юртбошимиз янги 2014 йилни «Соғлом бола йили» деб номлаб, шу йўналишдаги устувор вазифаларни қайта эътибор остига олиш, мазкур жараёнда маҳалла тизимининг ролини ҳам алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, садақатли, имон-этиқадли, ватанпарвар фарзандларнинг улғайишида маҳалланинг таъсир бекис. Айни пайтда маҳаллаларда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, тадбиркорликка оид илгор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, «Оила — маҳалла — тавлим муассасаси» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш сингари вазифаларни амалга ошириш юзасидан тегишли режаларни тўзиб олдик. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, серфарзанд оилалар ҳолидан хабар олиш, ҳудудларни ободонлаштириш доимий эътиборимизда бўлади.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Корхона хусусий, даромади умумий

Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани Пахтазор қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Ирода — Дилдора» хусусий корхонаси кунига 2 минг тонна қолиплаган нон, 350 килограмм макaron ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бек НАЗАР
«Mahalla»



Цехдан ташқари, тикувчилик устахонаси, савдо, маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларини бирлаштирган ушбу корхона ҳудуддаги Пахтазор, Ўзбекистон, Гўлзор қишлоқлари аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириш борборида, вилоят бозорларига ҳам сифатли ва харидорғир маҳсулот етказиб берапти.

Бундан йигирма йил аввал автотехника туфайли икки оғирдан ажраб, аяли қисматга юзма-юз келган Абдунаби Абдуқоимов тақдир саноатини қайта баҳам кўришидан мақдур бўлиб, у қаровсиз қолган бинони ўз тасарруфига олиб, ишлаб чиқариш корхонаси учун мослаштиришга киришганида, бу ҳаракатга ошқора ишончсизлик, ҳатто ачирини билан қараганлар ҳам бўлди. Аммо қатъиятли тадбиркор мақсадини амалга

оширди: бинони ўз маблаг ҳисобидан қайта қуриб, «Ирода — Дилдора» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди. Бунинг натижасида корхонада 22 та янги иш ўрни яратилди. Уларга ҳудуддаги касб-хўна қолони битирувчиларидан 7 нафари мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилгани маҳалла аҳоли учун яна бир кўмак бўлди.

— Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланаётгани менга катта қўллаб-қувватлаш бўлди, — дейди тадбиркор. — Бу ишга оид фойдаланиш учун туман раҳбарияти томонидан битирилган ишонч масъулиятни оширди. Айни пайтда корхонамизда икки турдаги озиқ-овқат, етти турдаги тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, аҳолига беши турдаги савдо, маънавий хизматлар кўрсатилаётган. Келгусида фаолият кўламини янада кенгайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш, маҳсулотлар, хизматлар турини кўпайтириш устида иш олиб бораётибиз. Бунинг ҳисобига кўшимча иш ўринлари яратилиб, қишлоқ аҳолининг бандлиги таъминланади.

Абдунаби Абдуқоимов тадбиркорлик фаолияти билан бир қаторда, қишлоқни ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишдек хайрли юмушларда ҳам доим фаол. Яқундаги йилнинг ўзига ҳудуддаги кам таъминланган 10 та оиллага моддий ёрдам сифатида 2,7 миллион сўм, қишлоқ мактабига компьютер жамланмаси ҳадя қилди. Бундай эзгу амаллардан қишлоқ аҳоли миннатдор. Эл-юртга ноф келтириётган тадбиркор «Жасорат» медали билан тақдирланди. Бу эса, ўз навбатида, унинг фаолиятини янада жонлантириб, масъулият ва ишонч ҳиссини оширди.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Масъулиятли, аммо шарафли

Жорий йилги сайловларда мен 5,5 минг нафардан зиёд аҳоли яшайдиган «Богобод» маҳалласига янги раис этиб сайландим.

Жаҳонгир ҚОСИМОВ,
Тошкент шаҳри Учтепа тумани
«Богобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Билдирилган ишонччи оқлаш зиммамга масъулиятли, шу билан бирга, шарафли вазифаларни юқлади. Хусусан, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, эҳтиёжман оилаларни аниқ манзилли ҳимоя қилишдек залворли саъй-ҳаракатлар ижросига киришдим.

Бугунги кунда фуқароларнинг суянчи ва таянчига айланган маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги тахирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қонунда белги-ланган ваколатлар маҳалламизнинг янада обод бўлиши учун амалга оширилаётган ишларимизда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда ҳомийларни жалб этган ҳолда ҳудудда кам таъминланган оила фарзандларига байрам кайфияти улоштириш мақсадида совғалар беришни режалаштиряёмиз. Бундан ташқари, маҳалламиздаги эски новвойилани қайта тиклаб, ёнига қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган кичик цех қурилишини бошлаб юбордик. Қолаверса, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этишни ҳам режалаштирдик.

Ҳудудимизда 33 та кўп қаватли уй, 115 та хонадон, 2 та мактабга таълим муассасаси ҳамда умумтаълим мактаби жойлашган. Фарзандларимиз доимий қатнайдиган йўл ва йўлакларни қайта таъмирлаш ниятдаимиз. Аҳолининг эҳтиёжман қатламини моддий қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, соғлом ва мустаҳкам оилани қарор топтириш борасида ҳам қатор хайрли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Айни пайтда болалар спортини ривожлантириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, спорт майдончалари барпо этиш ва жиҳозлаш, уларни юқори мақолали мураббийлар билан таъминлаш, шунингдек, маҳаллалар ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил этиш ишларини янада жонлантириш борасида амалий ишлар олиб бораётибиз. Ҳудудимиздаги қаровсиз жойда соғломлаштириш мажмуасини қурмоқчимиз. Ундан сув ҳавзаси, теннис, волейбол ва спортнинг бошқа турлари ихтисослашган алоҳида хоналар ўралган олади.

Мазкур тадбирларни амалга оширишда йигин фаоллари, янги сайланган масъулчилар ҳам соҳада кўмаклашапти. Ўзим ҳуқуқшунос бўлганим боис, йигин аҳолига юридик масалаларда маслаҳатлар, зарурий ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Турмушимизни янада обод қилиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятли вазифадир. Бу фақат раиснинг эмас, балки барча аҳолининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Шу боис бирлашган ўзар, деган нақлга амал қилиб, маҳалладошлар билан ҳамжиҳатликда меҳнат қилаёмиз.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

Турмуш обод, рўзғор бут



Навоий шаҳридаги марказий буюм бозорини айлантаётган қизилтепалик Алишер бир сотувчининг маҳсулотлари олдида узоқ туриб қолди.

Зебо ҚУТЛИЕВА,
журналист.

Уларнинг бежиримлиги, фойдаланишга қулайлиги эътиборини тортиди. Буюмларга маҳлиё бўлган ёш харидор хунарманддан шогирдликка олишини илтмос қилди. Устанинг розилиги билан унинг уйига катнаб, ушбу хунар сирларини пухта ўрганди.

Дурадгорликка ҳаваси ортган Алишер Қаландаров касб маҳоратини янада ошириш учун маҳалласидаги моҳир уста Барот Турдиевдан ёрдам сўради. Ундан дастгоҳлар билан «тиллаштириш», ҳар бир ҳаракатда эътиборли бўлишни ўрганди. Энг муҳими, қизиқувчан, изланувчан, қолаверса, зехин ўткирлиги билан устозини ҳайратда қолдирди. Мустақил равишда

ясаган эшик-дараза, сўриларини қўрган Барот ака жуда секинди. Кейинчалик устозининг маслаҳати билан Алишер ўзи ҳам уйда кичик устахона очиб, мустақил фаолият юрита бошлади.

— Ҳозирда устахонамизда 15 дан зиёд замонавий дурадгорлик дастгоҳи мавжуд, — дейди А.Қаландаров биз билан сўхбатда. — Ҳозир миллий хунармандчиликка эътибор янада кучайди. Натияжада аҳолига манзур нақшинкор, замонавий буюмлар сони ортиди. Жиҳозларимиз бугун маҳаллаларимизда қад ростилаётган гўзал иморатларнинг ёруғ, шинам хоналарига уйғун.

Қўлигул хунарманд Алишер Қаландаров ясаган уй, ошхона жиҳозлари, эшик-даразаларга нафақат «Оқробот» маҳалласида, балки вилоятнинг кўпгина ҳудуд-

ларида ҳам талаб катта. Уйига келган харидорларнинг айримлари билан сўхбатлашганимизда, у ясаган жиҳозлар ўзининг сифати, кўриниши билан алоҳида ажралиб туришини таъкидлашди. Алишернинг шогирдлари ҳам бор. Маҳалла ҳудудидаги мактаб ўқувчилари дарсдан бўш вақтларида келиб, ундан хунар ўрганишади. Бундан ташқари, ёш уста тумандаги енгил-саноат касб-хўна коллежи маъмурияти билан келишган ҳолда, ёшларнинг амалиёт ўтлашларида яқиндан ёрдам берапти.

— Бешик ясайдиган ускуна ҳам олганман, — дейди у. — Жойимизни кенгайтириб, шогирдлар билан бу фаолиятни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Кейинчалик маҳалла марказидан янги дўкон очиб, тайёр маҳсулотларимизни ўша ерда сотишни режалаштиряёмиз. Берилган имкониятлардан фойдаланиб, кредит олиш ҳисобига хомашёларни кўпайтирсам, ишим янаям осон кечади.

Хунарларнинг қўли зар, деганларидек, ёш устанинг касби орқасидан турмуши обод, рўзғори бут. Даромадидан замонавий уй қурди. Энди сўнгги русумдаги машина олиш тодоригини кўрапти.

— Худудимизда хунармандлар кўп. Алишер фаол, ғайратлиги билан улардан ажралиб туради, — дейди маҳалла фаоли Гулқиз Пулатова. — Қўллаб ёш йигитларни атрофида жамлаб, билганларини баҳам кўришидан қувонамиз. Негаки, ёшларимизнинг бўш вақти беҳуда кетмапти, уларда касб-хўнага қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда.

Дарвоқе, маҳаллаларимизнинг янада обод, ҳалқимизнинг турмуши фаровон бўлишида Алишер сингари ишбилармонларнинг ҳиссаси бекиёс.

ҲУНАРДАН УНАР

Зулхумор опанинг бахти

Паркентлик Зулхумор Эрматова 18 йилдан бери тадбиркорлик билан шуғулланади.

Саоқат МАХСУМОВА.

Тиниб-тинчимас бу аёл автомобиль баллонларини ямаш устахонасидаги ишларидан вақт ортиқриб, гиламдўзлик сирларини ҳам ўрганди. Тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан руҳланиб, уйига гилам тўқиш дастгоҳи ўрнатди. Қисқа фурсатда маҳалла ёшларини ҳам бу миллий хунарга қизиқтириб, фаолиятини кенгайтирди. У дастлаб ўзи истикомат қилаётган «Самаробод» маҳалла фуқаролар йиғини, кейинчалик Бутун Еттикент қишлоғи аёлларини гиламдўзликка жалб этди.

— «Хунардан ризқинг унар» деган нақлнинг амалдаги тасдиғини бугун ўз ҳаётимда кўриб турибман, — дейди Зулхумор Эрматова. — Турмуш ўртоғим вафот этганида маҳалла-қўй, қўни-қўшилар дайда бўлишди. Шу боис тезда ўзимни ўғлаб, устахонамиз ишини юрита бошладим. Ўтган давр мобайнида 15 нафар шогирд етиштирдим. Айни пайтда уларнинг асарияти ўз устахоналарига эга. Гиламдўзликни ўрганган, қўшимча маблаг топиш имкони турғилди. Қолаверса, уйда хунар билан шуғулланган кишига ҳам қонунарда белги-

ланган тартибда меҳнат ҳамда жамгариб бориладиган пенсия дафтарчалари очилади. Меҳнатига яраша ҳақ тўланиши, умуман барча имкониятлардан фойдаланиши қонуний қарорланган. Шу боис тез орада маҳалламиз аёллари ҳам ўзимга кириб гилам тўқишни ўрганишди. Ҳозир 60 дан зиёд шогирдин бу иш билан мустақил шуғулланмоқда. Бугун маҳалла аёллари уйда ўтириб, рўзғор юмушларини бажариш борборида унга баракани киритмоқдалар.

Ҳа, хунари ва ҳалол меҳнатидан бахт толиб ашаётган Зулхумор Эрматованинг ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Яқинда у яна бир хайрли ишга қўл ўрди. «Қай» гилам тўқиш корхонаси филиалини бошқараётган опа

тумандаги қатор касб-хўна коллежалари битирувчиларига ҳам гиламдўзликдан сабоқ беришга киришди. Ушбу корхона ҳамда касб-хўна коллежи ўртасида уч томонлама шартнома тузилган, амалиётни муваффақиятли ўргаништиришга қўллаб-қувватлашга қўлланади. Ҳозирга қадар тумандаги 3 та касб-хўна коллежи маъмурияти билан ҳамкорлик ўрнатилган. Келгусида улар сафини янада кенгайтириш режалаштирилмоқда. Қувонарлиси, хунар ўрганаётганлар ичида мактаб ўқувчилари ҳам бор.

— Мактабдан келганидан сўнг гилам тўқишнинг, — дейди опанинг 7-синфда ўқиётган қизи Насиба Сирожидинова. — Синфдошларим ҳам

мендан бу ишни ўрганишмоқда. Яқинда Хунармандлар уюшмасида ташкил этилган маҳорат мактабидо қатнашдим. Тўқиётган гиламларим нақшларига янгиликлар киритишга ҳаракат қиламан. Ҳозир инглиз тилини ўрганишга қўллаб-қувватлашга қўллашганимиз. Келажакда чет тилларини пухта эгаллаб, миллий хунармандчиликимиз намуналарини дунёга олиб чиқмоқчиман. Ўз навбатида, жаҳондаги илгор ва классик гилам тўқиш услубларини ҳам ўзлаштироқчиман.

Ишбилармон Зулхумор Эрматова жисмоний имконияти чекланган инсонларга ёрдам бериш, уларга ҳам хунар сирларини ўргатиб, яратувчиликка қорлошдек эзгу мақсадини ниҳат қилган. Унинг бу савобли режаси ҳам рўёбга чиқишига тилоқдошимиз.

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Орасталик аёнанага айланган



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Яратувчанлик ва бунёдкорлик, орасталик ва тозаллик халқимиз феъл-атвори, табиатидаги энг сара фазилатлардан.

■ **Зебинисо ҲАЙИТОВА**
«Mahalla»

Шундан бўлса керак, орасталик турмуш тарзимизга айланиб бораётир. Турар-жой маззеларини, маҳалла ва қишлоқлардаги кўча ва йўлларнинг тартибга келтириш ҳамда кўчаларнинг тўридаги ишлари кўндалма-кўнда юксалишмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Чикиндилар тўғрисида»ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги «Республика аҳоли

пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тозалаш ва ободонлаштириш ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

алоҳида эътироф этиш жоиз.

— Ҳудуднинг тоза ва озодалигини сақлашга барчамиз масъулмиз, — дейди йилнинг Экология ва табиати муҳофазаси қилиш ва кўчаларнинг тартибга келтириш бўйича комиссияси раиси Исмаил Умаров. — Маҳалламизда 2170 та хонадон, 11 та кўча қаватли уй ҳамда 48 та кўча мавжуд. Уларнинг ҳар бирига кўчабоши ва уйбошилар бириктирилган. Улар бошчилигида ҳафтанинг ҳар шанба кўни кўчалар, хонадон, дўкон ва бошқа хизмат кўрсатиш шохбачалари атрофлари ҳамда ариқларни тозалаш ишлари ташкиллаштирилмоқда. Бу маҳалламизда аёнана тусини олган. Тозалик бор жойда — барака бўлади. Ҳудуднинг табиати муҳофазаси ва экологик вазиятни тубдан яхшилаш, маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича бир қатор ишлар олиб бораётир. Хусусан, пойтахтимиздаги Юнусобод туманида жойлашган «Обод» маҳалласида ҳам ана шундай хайрли савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллада 6200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар ҳудудни ободонлаштириш, экологик модданини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунда фуқаролар йигини фаолларининг ташаббуси ва бирдамлигини

тўшунчалар берилмоқда. Бундан ташқари, турмуш маданиятини ошириш ва экологик билимлар тарғибига бағишлаб «Энг ораста хонадон», «Энг ораста кўча» танловлари мунтазам ўтказиб келинади. Уларда «Наманган», «Обод», «Гулчилар» ҳамда «Чаманбў» кўчалари доим фаол қатнашиб, гойибликни қўлдан бермайд.

Ўзбекистон Республикасининг «Чикиндилар тўғрисида»ги қонуни 12-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари чикинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, объектларни тегишли ҳудудда жойлаштириш масалаларини ҳал қилишда иштирок этишлари, аҳоли пунктлари санитария жиҳатидан тозаланишига ҳамда маиший-рўзгор чиқиндилари тўплаб олиб келганини унчан тўловлар вақтида тўловларига қўмақлашлари, объектларнинг санитария ва экологик ҳолати устидан жамоат назоратини амалга ошириши бўйича қатор вазифалар белгиланган бўлиб қўйилган. Улар ижроси асосида ҳудудда самарали натижаларга эришилмоқда. Маҳаллада маиший чиқиндиларни тўплаш ва ўз вақтида ташиб кетиш масаласи ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир кўча ва кўча қаватли уйлар учун махсус чиқинди қутилари ўрнатилган. Ташкент шаҳар «Махсустрас» қошидаги «Орифон сервис» МЧЖнинг сифатли хизматидан аҳоли мамнун.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Хушёрлик ва огоҳлик янада ортган

Шуманай туманидаги «Моншакли» маҳалласи энг намунали йигини сифатида тилга олинади.

■ **Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ.**
Қорақалпоғистон Республикаси.

Уч минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ушбу ҳудудда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бирор марта жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмади. Ҳудуд осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тўғрисида сардор Бекмурод Отемуродовнинг ҳиссаси беқиёс. Маҳалла аҳоли унинг жонқуярлиги, доимо эл-юрт ташвиши билан елиб-югуришини эътироф этади.

— Ўз уйимизнинг тинч-осойишталигини таъминлаш, фаровон турмуш шарафтини барпо этишга барчамиз масъулмиз, — дейди Б.Отемуродов. — Ҳамиша хонадонларда бўлиб, маҳаллодошларнинг яшаш тарзи, касб-қори, фарзандлар тарбияси, оилавий муҳитдан хабардоримиз. Йилнинг соғинадан бери фаолларнинг бирдамлиги, ҳамфикрлиги асосида аҳолини меҳнатга жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтларини фойдали машғулликларга йўналтиришдаги тинчлик ва хотиржамликни таъминламоқда.

Ҳудуд профилактика нозир Эргаш Нуриимбетов билан мустоҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Аҳоли фаровонлиги, юрт осойишталиги йўлида зарур чора-тадбирлар режаси асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шуманой тумани кўшни давлат би-

лан чегарадошлиги боис хушёрлик ва огоҳлик янада ошади. Ҳудудга келиб-кетувчиларни назорат қилиш, чет давлатга кетган ва у ердан қайтганларнинг доимий рўйхатини шакллантириш, жазо муддатини ўтаб қайтган фуқароларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш ва бандлигига қўмақлаш борисида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ҳудуддаги мактаб ва Агроинтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳузурида турли мавзуда доимий ўқувчилар, суҳбатлар ўтказилиб келинаётир. Тадбирларда фаоллар билан биргаликда, катта ҳаётий тажрибага эга отахон ва онахонлар ҳам иштирок этиб, ёшларга турли хил оқимларнинг аянли оқибатлари ҳақида тўшунчалар беришмоқда.

Маҳалладаги хонадонларнинг ўзига яраша турмуш тарзи, муаммо ва камчиликлари мавжуд. Уларни бартараф этиш, фаровон ҳаёт барпо этиш нафақат йигини фаоллари, балки ҳар бир фуқароннинг вазифасидир. Буни яхши англаган моншаклиликлар сардорлар ҳар ишда елкадош. Ўтган йилда ушбу маҳалла тумандаги фуқаролар йигини лари ўртасида ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» кўрик-танловида биринчи ўринга созовор бўлди.

Бир сўз билан айтганда, эл-юрт дарди билан яшаётган Б.Отемуродов сингари маҳалла посбонлари, сардорлари тўғрисида ҳудудларда тинчлик, осойишталик ҳукмрон.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

Вақтингиз ҳам, нақдингиз ҳам зое кетмасин

САВОЛ:
— **Маҳалламиз чеккасидаги 1-1,5 сотихча келадиган қаровсиз ерга ёндаш яшаймиз. Шу жойга иморат қуриб, ундан фойдаланишимиз мумкинми?**

Эркин РЎЗИМУҲАМЕДОВ.
Тошкент вилояти Ангрэн тумани.

■ **Махсума ОРТИҚОВА,**
Тошкент шаҳар Идораси тумани 5-давлат нотариал идораси нотариуси.

ЖАВОБ:
— Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмадан ёки архитурга ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган ўй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчаси мулк ўзбошимчилик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасида бевосита ўзбошимчилик билан иморат қуриш ва унинг оқибатлари ўз ифодасини топанган. Унга кўра, ўзбошимчилик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайд. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга — сотишга, ҳада этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тўзишга ҳақли эмас.

Ўзбошимчилик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахсининг ёки тегишли давлат органининг даввоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим. Мазкур модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустақил.

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчилик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда берилмаган бўлса эътироф этилиши мумкин.

Иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгаллик қилаётган, доимий эгаллик қилаётган ва фойдаланаётган шахсининг ҳам ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахсининг харажатларини суд белгиланган миқдорда қоплайди.

Башарти, ўзбошимчилик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқилганидан манфаатлари бузилишига сабаб бўлса, ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳаф туғдирса, юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас.

ВАТАН ҚИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ

Қатъият берган қанот

Ватанга муҳаббат, садоқат билан хизмат қилиш, она юрт сарҳадларини қўриқлаш, унинг осойишталигини таъминлаш ҳар бир йигитнинг муқаддас ва шарафли бурчидир.

■ **Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**
«Mahalla»

Андижон вилояти Олтинқўлтуманида мазкур юксак вазифани сидақидилан адо этишга тайёр мурд ўғлонларнинг сафи кўплиги кишига ўзгача ғурур бағишлайди. Жумладан, «Чаққон-2» маҳалласида яшовчи Баҳоидир Бурҳонов ҳам ана шундай йигитлардан.

Баҳоидир меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан тенгқуларидан ажралиб турарди. Ёшлигиданоқ спортга меҳр қўйд.

Спортнинг тазовонда йўналиши билан шуғулланиб боради. Сўнгра Олтинқўлтуман иқтисодиёт коллежидида ўқишини давом эттириш билан бирга, ўз маҳоратини ошириб борди. Ўтказилган спорт мусобақала-

рида олий ўринли дипломлар, медаллар ҳамда мактов ёриқларини қўлга киритди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Тазовон Миллий ассоциациясининг «Мустақиллик кубоги» учун ўтказилган курашларда қўлга киритган ютуғи ўзига бўлган ишонч аёнана мустаҳкамлади. Бундан ташқари, бир неча халқаро турнирларда ҳам муносиб ўринларни эгаллади. Устозларининг юксак ишончини оқлаган Баҳоидир турнирларда ҳам муносиб ўринларни эгаллади. Устозларининг юксак ишончини оқлаган Баҳоидир турнирларда ҳам муносиб ўринларни эгаллади. Устозларининг юксак ишончини оқлаган Баҳоидир турнирларда ҳам муносиб ўринларни эгаллади. Устозларининг юксак ишончини оқлаган Баҳоидир турнирларда ҳам муносиб ўринларни эгаллади. Устозларининг юксак ишончини оқлаган Баҳоидир турнирларда ҳам муносиб ўринларни эгаллади.

ТАДБИР

Ғолиблар аниқланди

Пойтахтимизда «Юрт келажиги» республика кўрик-танлови ҳамда «Камалак юлдузлари» болалар ижодийети фестивалининг финал босқичи бўлиб ўтди.

■ **Мухбиримиз.**

«Камалот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Олий ва Ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирлардан қўзғалган асосий мақсад мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш, иқтидор ва истеъдод соҳибларига ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашлари, интеллектуал салоҳиятларини рўйбга чiqаришларига қўмақлашишдан иборат.

«Юрт келажиги» танловига юртимизнинг барча ҳудудларидан 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 84 миңдан ортиқ йигит-қиз архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик так-

лифлар ва техник ишланмалар, аёнанавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича ўз истеъдодларини намойиш этди.

«Камалак юлдузлари» фестивалида эса 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 35 миңгача яқин ўғил-қиз мумтоз ва миллий чолулар, қўшиқ, раск, тасвирий ва амалий санъат, шеърят ва адабиёт йўналишлари бўйича қатнашди.

Тадбирни юқори савияда ўтказиш мақсадида ҳакамлар ҳайъати аъзолари, таниқли санъат ва маданият вакиллари ҳамда ташкилотчилар саралаш жараёнида бевосита иштирок этиб, ёш истеъдод эгалари иқтидорини муносиб баҳоладилар.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Эстрада юлдузлари иштирокидаги концерт дастури тибдирига байрамона руҳ бағишлади.

нинг хорижий тилларни ўрганишига бўлган иштиёқи инглиз тилини муқомал эгаллашга ундади. Ниҳоят унинг ўқиб-излашлари бесамавр кетмади. Малайзия давлатининг Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган Халқаро Весминстр университетига онлайн-тест синовлари орқали ўқишга қабул қилинди. Бу хушxabардан барча маҳаллодошлар севинди. Аммо Баҳоидир биринчи галда Ватан олдидаги бурчинни адо этишга, болалигида орзу қилган аскарлик либосини кийишга қарор қилди.

— Фарзандининг қамолтини кўриб юриш ҳар бир ота-она учун буюк бахт, — дейди Б.Бурҳоновнинг онаси Зулхумор Бурҳонова. — Ўғлимнинг шундай юксак ютуқларни қўлга киритиши, айниқса, Ватан олдидаги шарафли бурчинни адо этишдаги қатъияти бизга янада ғурур, ифтихор бағишлади.

«Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди», деганларидек, Баҳоидир муддатли харбий хизмат сафарига йўл олди. Уни ўташ чоғида нафақат жанговар тайёргорликда, балки юксак билим ва интеллектуал салоҳияти билан тенгдошларига ибрат бўла олди. Олий ўқув юртига ҳужжат топшириш учун имтиёз билан қайтди ва шу йили Андижон давлат университетининг хорижий тиллар факультетига ўқишга кирди.

— Биз Баҳоидир Бурҳонов билан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди «Чаққон-2» маҳалла фуқаролар йигини раиси Ҳомиджон Сатторов. — У чин маънада маҳалламизнинг чаккон фарзанди. Баҳоидир сингари алп йигитларимиз борки, юртимиз тинч, эл хотиржам. Уларнинг ютуқлари маҳалламизда уялаётган ўғил-қизларга хар томонлама ўрناк бўлаётир.

Мухтасар айтганда, маҳаллаларда олиб борилётган маънавий-маърифий ва спорт соҳасига қаратилган ишлар натижасида ватанпарвар, жонқуяр йигит-қизлар сафи кенгаймоқда.



■ Ў.А. сурати.

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

A, B, C, D, E

витаминларига бой маҳсулотлардан тўйиб

Қиш фаслида одам организми витаминларга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эҳтиёж сезади. Зотан, саломатлик — энг катта бойлик. Шу боис соғлиққа эътибор бериш фойдадан холи эмас. Қуйидаги тавсияларимиз эса, бу борада Сизга асқотиши шубҳасиз.

■ **Нилуфар ЮНУСОВА**
«Mahalla»

А витамини кўриш қобилиятини яхшилайди, организмнинг жисмоний фаолиятини оширади ҳамда шамоллаш ва инфекцияли (сувчечак ва қизамик каби) касалликларга қаршилигини кучайтиради. У тиш ва сўяқларнинг ривожланишини учун зарур озукдир. А витамини тўқималарни ривожланишини учун кенг ва у эрта кексайишининг олдини олади. Ушбу витамин жигар, балиқ, тухум, сўт ва сариёнда кўпроқ. Айниқса, собизи таркибидида мўл. Айрим ўсимликлардаги каротин моддаси ҳам А витаминига айланади. Собзавотлар ёғ билан бирга

смородина, наъматак, цитрусли ўсимликларда С витамини сероб. Шуни унутмаслик лозимки, 35С дан банд хароратда С витамини парчаланиб кетади. Музлаткида узок вақт сақланмаган меваларда ҳам витаминлар йўқолади.

Мазкур витамин иммунитетни мустаҳкамлаш ва руҳияти маромидида ушлаб туришда бегазир. Бир сўз билан айтганда, у барча касалликларга қарши курашади. Шунингдек, қон айланишини яхшилайди. Тез-тез шамоллаш, руҳий тушкунликка тушиб қолиш, ўйқузлик, соч тўкилиши, кўриш қобилиятининг сўсийиши, семирши кабилар С витаминининг етишмаслигини билдирувчи омиллардир. Тамаки чекиш С витаминини организмдан сиқиб чиқади.

Д витамини организмнинг, айниқса, тиш ва сўяқларнинг текис ўсиши учун зарур. У кальций ва фосфорнинг қонга сўрилишига ёрдам беради. Бу витамин организмда етишмасан, рахит касаллиги келиб чиқади. Бунда сўяқлар мўрт ва қийиқ, тишлар нотекис ўсиб, мушаклар ҳамда бўғимлар заифлашади. Соратон хасталиги ривожланиб кетишининг олдини олади. Асосан балиқ гўштилди, сариёғ, товۇқ тўқими ва янги кўкатларда мавжуд.

Е витамини организмдан керасиз моддаларнинг чиқиб кетишини таъминлайди. Ундан турли касалликларга қарши курашишда фойдаланилади. Ҳомилининг ривожланиши учун энг керакли витамин ҳисобланади. Е витамини организмдаги барча тўқималар учун зарур. Қон айланиш тизимини яхшилайди. Асосан янги ўсимликлар таркибидида учрайди.

Ушбу витаминлардан тез-тез ва меърида истеъмол қилиб бориш саломатлик учун қони фойдадир.

Унутманг, ҳар қандай касаллиқнинг олдини олиш ва дavoлашда, албатта, шифокор маслаҳати зарур!